

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

*УДК 577.152.321*

**БОЯТОВА ГЎЗАЛ**

**БАРҚАРОРЛАШТИРИЛГАН ФЕРМЕНТЛАРНИ ОЛИШ ВА**  
**УЛАРНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА ТАТБИҚ ЭТИШ**

**5A140101 – Биология (фан йўналиши)**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

**Илмий раҳбар:**  
**б.ф.н. Д.Дехконов**

**Наманган – 2015**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ</b> .....	4
1.1. Гидролитик ферментлар ва уларнинг ҳоссалари	4
1.2. Ферментларни иммобилласх турлари ва ўзига ҳослиги	7
.....	
1.3. Гидролитик ферментларни иммобилласхда қўлланиладиган сорбентлар ҳоссалари.....	11
<b>1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА</b>	
<b>2-БОБ. ТАДҚИҚОТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСЛУБ ВА АШЁЛАР</b>	23
2.1. Оксил микдорини аниқлаш. Лоури усули .....	23
2.2. Инвертазани трансфераза фаоллигини аниқлаш .....	24
2.3. Алкилфруктозидларнинг юпқа қаватли хроматографияси.....	24
2.4. Инвертазани иммобиллаш усули .....	25
2-боб бўйича хулоса	
<b>3-БОБ. ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ</b>	26
3.1. Гидролитик ферментларни иммобилласх усхун сорбентлар модификакацияси ва танлови	26
3.2. ферментларни барқарорлаштириш усуллари	
3.3. Иммобилланган ферментни хусусиятларини сувли–органик мухитда ўрганиш.....	28
3.4. Барқарорлаштирилган ферментларни озиқ-овқат саноатига татбиқ этиш	
<b>3-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА</b>	
ХУЛОСАЛАР .....	46
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	47
ИЛОВАЛАР.....	58

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, барқарорлаштирилган фермент препаратлари озиқ-овқат саноатининг турли соҳаларида кенг миқёсда қўлланиб келинмоқда. Барқарорлаштирилган ферментлар маҳсулот учун талаб қилинадиган кўрсаткич ва хоссаларни беради ва ишлаб чиқаришнинг турли технологик босқичларида йўқотишлар миқдорини камайтиради.

Натив ферментларга нисбатан барқарорлаштирилган ферментларни саноат миқёсида қўллашнинг қулайликлари ва иқтисодий самарадорликлари барчамизга маълум. Лекин барқарорлаштирилган ферментларни олиш ва у жараёни амалга оширишнинг қулай, экологик тоза ва иқтисодий арзон усуллари топиш замонавий биотехнологиянинг олдида турган долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу жараёнлар ўзининг стабил ва узок вақт давомида ишлаши билан аҳамиятга молик.

Барқарорлаштирилган фермент препаратларини озиқ-овқат саноати учун татбиқ қилиш ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Чунки саноат миқёсида ишлаб турган биореакторни оптимал параметрларини аниқлаш ва ушбу режимни жараён тугагунга қадар ушлаб туриш зарур. Юқорида келтирилган муаммоларни инобатга олиб, барқарорлаштирилган ферментларни қўллаш спектри жуда кенглигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертацияда ачитки инвертаза ва эстераза ферментларини спиртли ичимликларни токсик спиртлардан тозалаш муаммоси ёритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиётларда инвертаза ва эстеразани спиртли ичимликларни тайёрлаш технологиясида юқори молекуляр массага эга спиртларни алкилфруктозид эфирларига айлантиришга оид аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ароқ таркибидаги юқори спиртларни ҳамда бренди таркибидаги юқори хароратда қайнаш хусусиятига эга эфирларни ферментатив йўл билан алкилфруктозидларга айланиши ичимликларни сифат ва тез етилишининг кўрсаткичлари сифатида долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Ишнинг мақсади сивуш спиртларни

алкилфруктозидлар ва эфирларга ферментатив трансформацияси орқали спиртли ичимликларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

1. Спиртли муҳитда барқарор бўлган иммобилланган ачитқи инвертазаси ва эстеразасини олиш.
2. Модел системада сивуш спиртларини алкилфруктозидларга ферментатив трансформацияси учун оптимал шароитларини аниқлаш.
3. Иммобилланган ферментларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш.
4. Ликёр ичимликлар ва бернди тайёрлашда иммобилланган ферментларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Спиртли ичимликлар таркибидаги сивуш спиртлари ва альдегидларни йўқотиш долзарб муаммо бўлиб, бу масала бўйича турли усуллар таклиф қилинган. Бунда асосан кумуш билан ишлов берилган кокос фаоллаштирилган кўмири, УСВР-юқори реакцион қобилятга эга углерод аралашмаси (Петрик В., 2002), СТРГ-термопарчаланган графитли сорбент (Месяц С.П., 1988) ва бошқа юқори сорбцион хусусиятга эга сорбентлар қўлланилган. Лекин спиртли ичимликларни тайёрлашда бу сорбентларни қўллаш ўз навбатида сивуш спиртлари миқдорини камайтирса, альдегидлар миқдорини ошишига олиб келади ва ичимликни дегустацион тавсифига салбий таъсир қилади.

Мазкур ишда ичимликлар таркибидаги сивуш спиртларини йўқотиш ва шу орқали ичимликлар сифатини оширишда ферментларни (биокатализаторлар) қўллаш имкониятлари бўйича систематик тадқиқотлар ўтказилди. Бунинг учун иммобилланган ферментлар олиш ва уларни ачиш жараёнларида қўллаш биотехнологияси ишлаб чиқилди. Юқори спиртларни алкилфруктозидларга ферментатив боғланиш имконияти бу йўналишнинг асоси ҳисобланади (Абдуразакова С.Х., 1990). Мазкур диссертацияда биринчи бўлиб спиртли ичимликлар таркибини йўналтирилган тарзда бошқариш йўллари ва уларни юқори хароратда қайнаш хусусиятига эга

учувчан компонентлар билан бойитиш бўйича ишлар ўзининг истикболли ривожланишига эга бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур иш Наманган давлат университети Биология кафедрасининг ЁФ-5-01 «Табиий полимерлар асосида иммобилланган биопрепаратларни олиш ва саноат мақсадларида қўллаш» (2012-2013 йй.) илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ишнинг объекти сифатида “Тошкентвино комбинати” ОАЖ томонидан тавсия этилган коньяк спиртлари, ЎзР ФА Микробиология институти томонидан тақдим этилган *Сассхаромйесс вини Ркацители-б* штамми қўлланилган. Ферментларни иммобиллаш учун ташувчи сифатида ишлов берилган эман гранулалари ва кайин асосидаги активланган кўмир гранулалари қўлланилган.

**Тадқиқот методлари:** активланган кўмир ва эман гранулаларини кимёвий модификациялаш, ферментларни ковалент иммобиллаш, учувчан бирикмаларини газ ва газ-суюқлик хроматографияси, ферментларни ажратиб олиш ва тозалаш, ферментлар фаолликларини аниқлаш, глюкоза ва оксилни миқдорий аниқлаш.

**Тадқиқот гипотезаси.** Инвертаза ва эстераза ферментлари спиртли муҳитда сивуш спиртларини алкилфруктозидлар ва эфирларга айланишини катализлайди. Лекин бу ферментлар органик муҳитда ингибирланиши мумкин. Шунинг учун ушбу ферментларни юқори этаноли муҳитларда қўллаш учун уларни барқарорлаштириш зарур. Мазкур масалани озиқ-овқат саноати учун тавсия қилинган активланган кўмир ва эман гранулалари каби ташувчилар иштирокида ферментларни ковалент иммобиллаш орқали хал қилиш мумкин. Бу жараёнда фермент ўз фаоллигини намоён қилиши натижасида, муҳитдаги сивуш спиртлари миқдори уларни алкилфруктозид ва эфирларга трансформацияланиши оқибатида камаяди.

**Илмий янгилиги.** Биринчи марта иммобилланган ферментлар иштирокида бренди ва ликёр-ичимликлар тайёрлашнинг традицион

технологик усулини ўзгартириш имконияти кўрсатиб берилди; олинган иммобилланган ферментлар органик муҳитда барқарор бўлган. Биринчи марта спиртли ичимликлар таркибидаги сивуш спиртлари миқдорини камайтириш иммобилланган инвертаза ва эстераза ферментларини уларни алкилфруктозидлар ва эфирларга трансформациялаш усули тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Иммобилланган инвертаза ва эстераза сифатли, экологик тоза ва экспортга йўналтирилган спиртли ичимликларни олиш учун қўлланилди. Тавсия этилаётган технология спиртли ичимликлар таркибидаги учувчан бирикмалар сифатини бошқаришга ва дегустацион кўрсаткичларини яхшилади. Бу эса ликёр ичимликлар ва брендининг сифатини, таъминини ва гигиеник кўрсаткичларини яхшилашга ҳамда брендининг етилишини тезлаштиради. Мазкур сифат кўрсаткичларига ичимлик таркибидаги юқори спиртлар миқдорини камайтириш орқали унинг таъминини юмшатиш, алкилфруктозидлар ва эфирлар ҳосил бўлиши натижасида ичимлик букетини яхшиланиши ва махсус сақланган брендиларга хос гармоник таъмга эга бўлиш орқали эришилади. Иммобилланган эстераза иштирокида ичимликни сақлаш муддатини қисқартириш орқали олинган 100 минг дал брендининг иқтисодий самарадорлиги бир йилга 168 млн сўмни ташкил қилади.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 2 та илмий иш чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация компьютерда терилган ... та саҳифадан иборат бўлиб, у кириш, адабиётлар шарҳи (1-бўлим), тадқиқот объектлари ва усуллари (2-бўлим), олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси (3-бўлим), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ..... та илмий ишдан иборат. Ишда .... та расм, .... та схема ва ... та жадваллар келтирилган бўлиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ..... та рус ва инглиз тилидаги ишларни ўз ичига олган.

## АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

### 1.1. ФЕРМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОССАЛАРИ

Тирик хужайраларда кимёвий жараёнларни ва модда алмашинувини бошқаришда бевосита иштирок этувчи, асосий омиллардан энг биринчиси- ферментлардир (лотинча ферментум-ачитқи). Улар оксил табиатга эга бўлиб, биологик катализаторлик вазифасини бажаради.

Инсон амалий фаолиятида хом-ашёни қайта ишлаш ва озиқ-овқат тайёрлашда ҳар хил ферментатив жараёнлардан фойдаланиб келган. Ачитқи замбуруғидан нон ёпишда, сумалак пиширишда эса унаётган буғдой донидан олинган ширалардан фойдаланилади.

Ферментлар ҳақидаги таълимотнинг кейинги ривожланиши физика ва коллоид кимё фанлари эришган ютуқлар билан боғлиқ.

Амалий энзимология фанининг ютуқлари асосида ҳозирги кунда 2000 дан ортиқ ферментлар тоза ҳолда ажратиб олинган. Ферментлар ва ноорганик катализаторлар умумий катализ қоидалари асосида фаолият кўрсатиб, улар ўртасида ўхшаш хусусиятлар бор:

- Энергетик имконияти бор реакцияларни катализ қиладилар;
- Реакция йўналишини ўзгартирмайдилар;
- Реакция жараёнида миқдорий ўзгариш кузатилмайди;
- Реакция маҳсулотларига таъсир қилмайдилар.

Ферментлар бир неча хусусиятлари орқали ноорганик катализаторлардан фарқ қиладилар:

- Ферментларнинг ноорганик катализаторлардан асосий фарқи, улар кимёвий таркиби бўйича оксиллардир.
- Ферментлар “юмшоқ” шароитда, (паст ҳарорат, нормал босим, маълум РН қийматига эга бўлган муҳит) энг юқори фаолликка эга бўлади. Ферментнинг ягона молекуласи бир минутда субстратнинг бир мингдан бир миллионгача бўлган молекуласини катализлайди. Бундай реакция тезлиги ноорганик катализларда кузатилмайди.

- Ҳар бир фермент фақат аниқ бир реакциянинг ёки модданинг ҳосил бўлиши ёки парчаланишини катализлайди.
- Ферментларнинг реакция фаоллиги бошқарилиши мумкин, неорганик катализаторларда бу амалиётни бажариш мумкин эмас.
- Ферментлар термолабил бўлиб, кислота ва ишқорлар таъсирида тез фаоллигини йўқотади. Ферментларнинг энг фаол нуқталари 40-50<sup>0</sup>С атрофида бўлади.
- Ферментларнинг фаоллигига активатор ва ингибаторлар таъсир қилади.
- Ферментатив реакциялар, уларнинг кетма-кетлиги муайян вақт ва маконда генетик тизим орқали режалаштирилади.

Оқсилларнинг молекуляр тузилиши қандай бўлса, ферментларнинг кимёвий таркиби ҳам худди шундай тузилишга хосдир. Ферментлар аксарият, учламчи ва тўртламчи структурага эга бўлган глобуляр оқсиллардир. Улар таркиби бўйича икки гуруҳга: бир ва икки компонентли, яъни оддий ва мураккаб оқсиллардан бўлган ферментларга бўлинади. Оддий ёки бир компонентли ферментлар оқсилдан иборат, икки компонентли ёки мураккаб ферментлар оқсил билан бир қаторда оқсил бўлмаган қисмлардан иборат. Икки компонентли ферментларда қўшимча простетик гуруҳ ролини витаминлар, уларнинг ҳосилалари коэнзим А, НАД, глутатион-ҲС, нуклеотид, уларнинг ҳосилалари ва микроэлемент ионлари киради. Ферментлардаги қўшимча қисмларни коферментлар деб номланади. Оқсил қисм-апофермент-ферон, иккаласи биргаликда холофермент дейилади. Мураккаб ферментлардаги апофермент ва коферментлар бир-бирларидан ажратилса, уларнинг фаоллиги йўқолади.

Ферментлардаги оқсил қисми-апофермент реакция спецификлигини таъминлайди, кофермент эса реакцияни амалга оширишда иштирок этади. Ферментлар молекуласи битта, иккита ёки ундан ортиқ протомерлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Бундай ферментлар мультимер энзимлар деб аталади. Аксарият мультимер ферментларда протомерлар табиати жихатдан ҳар хил бўлади, улар аминокислота таркиби, молекуляр массаси билан фарқ

килади. Уларнинг ўзаро нисбати, фермент таркибида турлича бўлиши мумкин. Натижада бир хил фаолликка эга бўлган турли физик-кимёвий хоссага эга бўлган ферментлар ҳосил бўлади. Бундай ферментлар изомер энзимлар ёки изозимлар деб аталади.

Мультимер энзимларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, уларнинг таркибидаги протомерлар реакция муҳитига қараб ажралиб кетиши, яъни протомерларга диссоциацияланиши ва зарурат бўлганда қайтадан ассоциацияланиши мумкин. Бундай жараён ўз-ўзидан бажарилиб, уларнинг энг юқори фаоллиги худди шундай мультимер ҳолатида кузатилади. Оддий ва мураккаб ферментлар таркибида турли хил кимёвий реакцияларни амалга оширувчи марказлар бўлиб, уларга субстрактли, аллостерикли ва каталитиклар киради.

Каталитик марказ дейилганда полипептид занжирларининг маълум тартибда ўралиши натижасида ҳосил бўлган, бир-биридан узоқда жойлашган айрим аминокислоталарнинг функционал гуруҳларини бир-бирига яқинлашиб қолиши тушунилади. Аксарият каталитик марказларни серин, треонин, метионин, триптофан, аргенин, лизин, тирозин, гистидин, цистеин, аспарагин ва глутамин кислоталари радикалларининг мажмуаси ҳисобига шаклланади.

Субстратли марказ дейилганда фермент молекуласида реакцияга киришаётган субстракт билан боғланадиган қисм тушунилади. Субстратли марказ рамзий равишда “лангар майдонча”си ҳисобланиб у ерга субстракт ҳар хил боғлар билан ферментдаги аминокислота қолдиқларидаги радикаллар орқали боғланадилар. Субстрат фермент билан ионли, водород боғлари орқали боғланиб, айрим реакцияларда улар ўртасида ковалент боғлар ҳам бўлиши кузатилган. Энзим-субстрат комплексида гидрофоб кучлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши аниқланган. Оддий бир компонентли ферментларда фаол ва каталитик марказлар бир жойда бўлиши ҳам мумкин. Амилаза ферментидаги фаол марказ крахмалдаги  $\alpha$ -1.4 гликозид боғларини гидролизловчи полипептид занжири гистидин, аспарагин кислота ва тирозин

аминокислота қолдиқларидан иборат. Шунга ўхшаш фаол марказлар ацетилхолинэстераза ва карбоксилпептидаза А ферментларининг бир неча аминокислота қолдиқларидан иборат.

Аллостерик марказ, шундай ферментнинг қисмики у ерга кичик молекулали моддалар таъсир қилса оксилнинг учламчи структураси ўзгариб, энзимнинг фаоллиги ошади ёки камаяди. Фермент фаоллигининг бошқарилиши аллостерик марказ орқали амалга ошади.

Кўрсатилган католитик, субстрат ва аллостерик марказлар кўпроқ рамзий маънода бўлиб, улар полипептид занжирининг алоҳида жойларида ажралган ҳолда жойлашмайдилар, балки бир-бирларини қоплаган комплекс ҳолда бўлишлари мумкин.

Ферментлар таъсирида кетадиган реакциялар каталитик жараёнларнинг кечиш қонуниятлари асосида ўтади. Энзиматик реакция учун зарур бўлган фаолланиш энергиясини ферментлар кам талаб қилади.

Катализ ҳақидаги тушунчага биноан, молекулалар реакцияга киришиши учун “фаолланиш ҳолати” деб аталувчи конфигурация даврини ўтиши лозим. Фаолланиш энергияси молекулаларнинг яқинлашиши ва реакцияга киришувига тўсқинлик қилиб турадиган кучларни (энергетик тўсиқни) енгиш учун зарур. Энергетик тўсиқдан ортиқроқ энергияга эга бўлган молекулалар реакцияга киришади. Фаоллашган молекулаларнинг сони кўп бўлса, реакция суръати тез бўлади. Лекин реакцияда қатнашаётган молекулаларни фаоллаштириш учун энергия (иссиқлик, ёруғлик) сарф этилиши шарт. Мисол тариқасида дисахарид сахарозанинг глюкоза билан фруктозага парчаланиш реакциясига сарф бўладиган энергия микдорини келтирамиз. Сахарозани парчалаш учун лабораторияда катализатор бўлмаганда 32000 кал энергия керак, муҳитда энзим сифатида водород атомлари бўлса 25600 кал сарфланади, мазкур моддани парчалашда фермент сахароза бўлса, уни иккига ажратиш учун 9400 кал зарур. Демак, кўриниб турибдики, ферментатив реакциялар кам энергия талаб этади. Энзимлар молекулалардаги атомлараро боғларни бўшаштириб, реакцияга киришаётган

субстратни деформация ҳолатига келтириб, унинг реакцион қобилиятини ошириб юборади.

Оддий ва мураккаб ферментларнинг таъсир қилиш механизми бир хил бўлиб, уларнинг фаол марказлари бир-бирига ўхшаш вазифаларни бажарадилар.

Ферментларнинг таъсир қилиш механизмини ўрганиш XX аср бошларида бошланган. 1902 йилда инглиз кимёгари А.Броун фермент субстратга таъсир қилганда ўртада оралик модда фермент-субстрат комплекси ҳосил бўлади, дейди. 1913 йилда эса Л.Михаэлис ва М.Ментенлар юқоридаги ғояни тасдиқлаб, ферментларнинг таъсир қилиш механизмини куйидаги чизмада тасвирлайди:



E-фермент, C-субстрат, P-маҳсулот.

Ферментатив катализнинг биринчи поғонасида фермент-субстрат комплекси [EC] ҳосил бўлиб, улар ўртасидаги боғлар ионли ёки ковалентли бўлади. Комплексининг ҳосил бўлиши жуда тез, бир зумда амалга ошади.

Иккинчи босқичда комплексдаги субстрат фермент билан боғланганлиги туфайли фаол ҳолатга келиб, унинг реакцион қобилияти ошади. [Съ]. Субстратнинг худди шу ҳолати кейинги реакция тезлигини белгилайди.

Учинчи босқичда кимёвий реакция ферментнинг сатҳида кетиб, фермент-маҳсулот комплекси ҳосил бўлади.

Яқуний босқичда эса фермент-маҳсулот комплексидан фермент ва маҳсулот алоҳида бўлиб ажралади.

Ферментлар оқсил табиатли бўлганлиги учун оқсилга хос хусусиятга эга. Лекин шу билан бирга фақат уларнинг ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлари ҳам бор. Булар ферментларнинг термолабиллиги, спецификлиги, муҳит РН нинг ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги, активатор ва ингибиторларнинг таъсирига мойиллиги ва бошқалардир.



Айрим ферментлар кучли кислота ва ишқорий муҳитларда ҳам фаолият кўрсатадилар. Масалан, ошқозондаги пепсиннинг таъсири  $pH=1,5-2,5$  атрофида бўлади. Ичаклардаги ферментлар эса ишқорий муҳитда “ишлайди”. Ҳар бир ферментнинг  $pH$  яратган оптимал қиймати ўзгарса, энзимнинг учламчи структураси ҳам ўзгариб, фаоллиги пасаяди.

Ферментларнинг таъсир этиш характери кўпинча субстрат ва реакцияда иштирок этадиган бошқа моддалар хусусиятига ҳам боғлиқ бўлади. Сабаби, бу моддалар ҳам кучсиз электролитлар бўлиб, табиий ионланиш хусусиятига эга бўлишидир. Демак, муҳит  $pH$  нинг ўзгариши моддаларга ва фермент фаоллиги таъсир этади.

**Ферментларнинг активатор ва ингибиторлари.** Ферментатив реакциялар айрим моддалар таъсирида қисман ёки тўлиқ фаоллигини йўқотиши мумкин, ундай бирикмаларни ферментларнинг ингибиторлари дейилади. Айрим фермент ингибиторларидан дори сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Баъзи ингибиторлар фермент иштирокида фаолиятини бутунлай тўхтатиши ёки организмга захар сифатида таъсир қилиши мумкин. Реакцион муҳитда баъзи бир ионларнинг иштирок этиши фермент – субстрат комплекси ҳосил бўлишини тезлаштиради. Бундай моддалар активаторлар дейилади.

Ферментатив реакцияларнинг фаоллигини пасайтириш бир неча хил бўлади: конкурент (рақобатли) ва ноконкурент (рақобатсиз) йўл билан амалга оширилади. Рақобатли ингибиторлар структуралари бўйича субстратларга ўхшаб, улар фермент-ингибитор комплексини ҳосил қилиб, субстратни сиқиб чиқаради. Бунда фермент денатурация ҳодисасига учрамасдан, ўз фаоллигини пасайтиради. Фермент фаоллигини рақобатли пасайтириш қайтар бўлиб, субстратнинг миқдори кўп бўлганда, фермент-ингибитор комплексидан ингибиторни сиқиб чиқариши мумкин.


Кўпчилик дори-дармон моддалари инсон ва ҳайвонларга рақобатли конкурент сифатида таъсир қилади. Мисол тариқасида, сульфамид препаратларини таъсир қилиш механизмини кўрсатиш мумкин, улар структураси бўйича *p*-аминобензой кислотасига (ПАБК) ўхшайди. Бу модда

микроб хужайрасидаги фол кислотасининг интермедианти ҳисобланади. Фол кислота эса нуклеин кислотасининг алмашинувида ҳал қилувчи моддалардир. Организмга сульфамид дори берганда ПАБК метаболизм – ферментининг фаоллиги ингибирланади. Натижада нуклеин кислотанинг синтези камайиб, микроорганизм эса ўлади. Бу ерда сульфаниламид фол кислотасининг синтезловчи ферментга рақиб ҳисобланади. Шундай қилиб, кўпчилик дорилар фермент билан рақобатли конкурент асосида таъсир қилади. Дорининг самарадорлигини оширишда ингибитор фермент билан юқори даражада боғланиши лозим, акс ҳолда дорининг миқдорини камайтириш тавсия этилади.

Рақобатсиз ингибиторлар ферментларнинг фаол марказига (субстрат бирикадиган жойга) бирикмайди. Рақобатсиз ингибиторлар ферментларнинг фаол марказидан узоқ бўлмаган ерларга таъсир қилиб, ферментнинг конформациясини қисман бузиб, фаол марказини дезинтеграцияга сабачи бўлади.

Шундай ингибиторлар борки, улар фермент – субстрат комплексининг ажралишига йўл қўймайди. Буларга мисол тариқасида, кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган гербицидлар, инсектицидлар ва стимуляторларни келтириш мумкин.

**Ферментларнинг спецификлиги.** Ферментларнинг спецификлиги тирик организмга хос бўлган хусусиятлардан ҳисобланади. Спецификлик ферментнинг субстратга бўлган селектив (саралаш) хусусиятидир. Ферментларнинг спецификлик фаолияти дейилганда субстрат фаол марказга келганда худди калит қулфга тушгандек мос келиш керак (13-расм). Бу рамзий ўхшатиш 1894 йилда Э.Фишер томонидан айтилган.



2-расм. Фермент ёрдамида субстратнинг парчаланиши

Олим ферментни мустаҳкам структура, фаол марказни эса субстратнинг “қолипи” деб атаган. Мазкур ғоя ферментларнинг гуруҳли спецификлик тушунчасига мос келмайди. Яъни, битта қулфга (фаол марказ) бир неча калит (субстратлардаги) мос келмаслиги тушунилади. Бундай номуносивбликни тушунтиришда XX асрнинг 50-йилларида Д.Кошланд исмли олим “мажбурий мослашув” деган ғояни илгари сурган. Д.Кошланд назариясига асосан фермент ўта мустаҳкам қурилма бўлмасдан, балки эластик, қайишқоқ ва ўзгарувчан бўлиб, субстрат фаол марказга келганда унинг шакли ўзгариб, ҳар хил лигандларга мослаша олиши мумкин. Бу жараёни худди қўлқоп ва қўлга ўхшатиш мумкин. “Мажбурий мослашув” назарияси амалиётда ўз тасдиғини топган. Ҳозирги вақтда ферментлар спецификлигининг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

**Стерокимёвий спецификлик.** Бу хилдаги фермент---субстратнинг фақат ягона стереоизомерини катализлайди. Масалан, фумаратгидратаза сув молекуласини фумар кислотанинг қўш боғига бириктиради, лекин унинг стереоизомери бўлмиш малеин кислотага таъсир қилмайди. Худди шунингдек, баъзи ферментлар субстратнинг транс ва цис-изомерларига қараб таъсир этади.

**Мутлоқ спецификлик.** Бу хилдаги спецификликка эга бўлган фермент фақат биттагина субстратга таъсир этиб, субстрат молекуласида рўй берган озгина ўзгариш ҳам унинг фаоллигини йўқотиши мумкин. Масалан, уреaza фақат мочевинаяга, алкогольдегидрагеназа асосан этил спиртига таъсир этади.

**Нисбий спецификлик.** Бундай ҳолларда ферментлар субстрат структурасига бефарқ бўлиб, фақат улар таркибидаги кимёвий боғлар гуруҳига қараб ўз таъсирини кўрсатади. Пептид боғларни гидролизловчи пептидаза ва эстераза сифатида таъсир этадиган триписин ферментлари нисбий спецификликка мисол бўлади.

Энзимология фанининг дастлабки даврларида ферментларни ихтиро қилувчилар уларга тасодифий номлар берганлар. Масалан, пепсин папаин ва бошқалар. Кўпчилик ферментлар субстрат номига –аза қўшиб номланган (рациональ номланиш). Масалан, крахмалнинг гидролизланишини амилаза, мочевиани эса уреаза деб аталади. Холоферментни рационал номенклатураси, кофермент номи билан аталади (перидоксаль фермент, геминфермент). Кейинчалик ферментнинг аталишида субстратнинг номи ва катализловчи реакцияни тури қўшиб айтиладиган бўлди (алкогольдегидрогеназа).

Янги номенклатурага мувофиқ, ферментларнинг номи субстратнинг кимёвий номидан, фермент катализлайдиган реакция ҳамда ферментатив реакция маҳсулоти асосида аталади. Агар ферментатив реакция гуруҳларнинг кўчиши билан борса, уларнинг номига акцепторнинг кимёвий номи ҳам қўшилади. Масалан, қайта аминланиш реакциясини катализловчи пиридоксальфермент илмий номенклатура бўйича  $\alpha$ -аланин-2-оксоглутаратаминотрансфераза деб аталади. Лекин ферментлар билан ишлаганда, уларнинг илмий номидан фойдаланиш анча ноқулай бўлганлиги учун тривиал (ишчи) номлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Ҳозирги кунда ферментларнинг 3000 дан ортиқ хиллари аниқланган. Жаҳон биокимёгарларининг В конгрессида ферментлар бўйича халқаро комиссия таклиф қилган синфларга бўлиш қабул қилинган. Бунга кўра, ферментлар 6 та катта синфга бўлинади ва ҳар бири катъий тартиб рақамига эга.

1. Оксидоредуктазалар оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини таъминлайди. Кимёвий реакцияларда мазкур ферментлар водород атомини ва электронларни акцептордан донорга ташиди.

2. Трасферазалар турли кимёвий гуруҳлар ва қолдиқларнинг молекулалараро кўчирилишини катализлайди.

3. Гидролазалар сув иштирокида парчаланишини тезлатадиган ферментлардир.



4. Лиазалар гуруҳларнинг қўш боғ бўйича бирикишини ва аксинча, шундай гуруҳларнинг субстратда қўш боғ ҳосил қилиб узилишини катализлайди.

5. Изомеразалар изомерланиш реакцияларини катализловчи ферментлардир.

6. Лигазалар (ситетазалар) нуклеозидтрифосфат молекулаларида пирофосфат боғи узилиши ҳисобига ажралган энергияни икки ёки ундан ортиқ молекулаларнинг бирикишини амалга оширувчи энзимлардир.

## **1.2. ФЭРМЕНТЛАРНИ ИММОБИЛЛАСҲ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ҲОСЛИГИ**

Ферментларни иммобиласҳдаги энг оддий усул, бу - (Адсорбсия) эримайдиган модда билан адсорбсия қилисҳ. Иммобилласҳда исҳтирок этувсҳи моддалар билан адсорбсия қилисҳ. Бунда фермент билан иммобилласҳда боғловсҳи модда билан маълум бир даврда инкубация қилинади. Эрийдиган ва эримайдиган қисмларини филтрада ажиратиб олинади. (Сентрифуга) бу методнинг энг асосийси фермент билан модда маълум вақт усҳлаб турилади. Бу жараён ферментни каталитик фаоллигига кам таъсир кўрсатади. Иккинсҳи усул- ферментни кимёвий ковалент боғ орқали боғласҳ. Бунда молекула модда ва фермент ўзаро боғланади яъни иммобилланади. Ковалент боғ ферментни каталитик боғига таъсир қилса ҳам иммобилловсҳи моддага таъсир қилмаслиги керак. Ферментларнинг каталитик фаоллигини сҳақирувсҳи модда аминокислоталар иммобилловсҳи

моддага таъсир қилмаслиги керак. Ковалентли иммобилласх усули ферментларнинг каталитик фаоллигини пасайисхи билан олиб борилади.

Агар ферментни фаол марказини инактивация қилувсхи модда топилса бу усулни кулласх мумкин. Ковалентли иммобилласхда қўлланиладиган ферментлар:

- Агароза (Сефароза)
- Селлюлоза
- Декстран (Сефодекс)
- Стекло (Ойна)
- Сополимер полиакриламид
- Полиаминостерол

Сефароза полиакриламид селлюлозани ковалентли боғласх. Бунинг усхун иммобилловсхи моддани фаоллигини осхирисх яъни инактивация қилисх лозим. Схулар ёрдамида фаоллигини осхиради.


**Иммобилизация қилисх усуллари.** Иммобилизация қилисх усуллари иккига бўлинади: физикавий йўллар билан иммобилизация қилисх; кимёвий йўллар билан иммобилизация қилисх;

Ҳар қайси усулда иммобилизация қилисхда қуйидагиларга эътибор берисх керак; "тасхувсхилар" (сорбентлар) нинг табиати ва физик-кимёвий хусусияти органик ва ноорганик табиатга эга бўлисхлари мумкин.

Иммобилизация қилисхга мўлжалланган "тасхувсхи" ларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- кимёвий ва биологик мўтадиллик;
- механик нуқтаи назардан мустахкамлик;
- фермент ва уни субстрати усхун ўтказувсханлик;
- технологик жароёнлар усхун зарур бўлган сҳаклда олинисхи
- осонлиги (гранула, мембрана, варақ ва хоказо ҳолатда).
- реакцион сҳаклда тез кирисхи;
- юқори гидрофиллиги (иммобилизация жараёнини сувли муҳитга ўтказисх усхун);

➤ арзонлиги.



**1-расм. Ферментларни физик иммобилласх турлари**

**Иммобилизация усуллари.** Табиийки, бу талабларни барсҳасига жавоб бераоладиган тасхувсҳилар йўқ. Сҳу сабабли ҳам иммобилизация усҳун жуда ҳам кўп материаллардан фойдаланисҳга тўғри келади.

**Органик полимерли тасхувсҳилар.** Бундай полимерларни икки синфга бўлисҳ мумкин: табиий полимерлар ва сунъий полимерлар. Ўз навбатида табиий полимерларни ҳам биокимёвий хоссаларига қараб гуруҳларга бўлисҳ мумкин; полисахаридлар; оксил, липид табиатли тасхувсҳилар. Сунъий, яъни синтез йўли билан олинган полимерлар ҳам гуруҳларга бўлинади, масалан, макромолекуларни асосий занжирни кимёвий тузилисҳига қараб, полиметиленлик, полиамидлик, полиефирлик тасхувсҳилар ва х.к.

Иммобилизация қилисҳ усулли, ферментни хусусиятини ва исҳлатилисҳига қараб, "тасхувсҳи"ларга бир қатор қўсҳимсҳа талаблар қуйилади: ковалент иммобилизация қилинганда "тасхувсҳи" ферментни фаоллигини белгиловсҳи қисми билан боғланмаслиги лозим; (ферменти

фаоллик маркази ўз ҳолда бўлишди сҳарт), фермент фаоллигини пасайтириш хусусиятлари бўлмаслиги сҳарт.

Иммобилизация қилишди жараёнида қуйидагиларни билдишди лозим; "Тасхувсди" ва фермент ҳар хил зарядларга эга бўлсалар, иммобилизация жараёни тез ва мустаҳкам кесҳади, аксинсҳа бир хил зарядга эга бўлсалар жараён Қийин кесҳади; "тасхувсдини" заррасҳалари қансҳа қисҳик бўлса, сорбция қилишди хусусияти сҳунсҳа баланд бўлади. Иммобилизация жараёнида кўпроқ полиметилен типидаги "тасхувсди" лар босҳқаларга нисбатан кенгроқ исҳлатилади.

**Физик усулларда иммобилизация қилишди.** Юқори кўрсатиб ўтилганидек, ферментни иммобилизацияси дейилганда, уни (ферментни) қандай бир алоҳида фазага киритилишди сув фазасидан ажралиб турадиган ва сҳундай вазиятда ўзини асосий хусусияти - субстрат ёки эффекторлар билан алоқада бўлишди имкониятидан жудо бўлмаслигини тусҳинилади.

СҲу аниқликдан келиб сҳикқан ҳолда, физикавий иммобилизация қилишди усуллари тўрт гуруҳга бўлишди мумкин:

сувда эримайдиган "тасхувсди" ларга адсорбция қилишди;

гел тесҳиксҳаларига киритишди;

ярим ўтказгисҳ мембраналар ёрдамида ферментни реакцион тизимини босҳқа қисмидан ажратишди;

ферментни икки фазалик реакцион муҳитга киритишди, бундай сҳароитда фермент сувда эрувсҳан бўлади ва иккинсҳи фазага қира олмайди.

Келтирилган классификация сҳартлидир, сҳунки бу усуллар орасида аниқ ажримларни ўрнатишди мумкин эмас. Масалан, гел тесҳиксҳаларига киритишди усули билан иммобилизация қилишди, ярим ўтказгисҳ мембраналар орқали ажратиб туришди деб ҳам қарасҳ мумкин. СҲунга қарамасдан бу классификация физикавий усуллар билан иммобилизация қилишди бир тизимга солисҳда ёрдам бера олади.

Адсорбция қилиш орқали иммобилизация қилиш, энг кўхна усулларидан ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, 1916 йилда Дж.Нилсон ва Э.Грифин инвертаза ферментини фоалласштирилган кўмирда ва алюминий гидроксиди гелида иммобилизация қилганлар. Худди сху усулдан кейинроқ, 1969 йилда И.СҲибата Л-аминоацилаза ферментини иммобилизация қилишда фойдаланган. Л-аминоацилаза ферменти Н-ацетил-ДЛ-аминокислоталарни бир бирларидан ажратисхда саноат миқёсида ҳозиргасха исхлатилиб келинмоқда. Умуман адсорбция усулида иммобилизация қилиш босхқа усуллардан осонлиги, вазифани тез бажарисх мумкинлиги, тасхувсхиларни арзонлиги ва босхқа бир қатор устунликларга эга бўлганлиги усхун ферментлар мухандислигида кенг қўлланилиб келинмоқда.

**Адсорбцион иммобилизация қилиш усхун "тасхувсхи" лар.** Адсорбцион иммобилизация усхун исхлатиладиган "тасхувсхи" ларни икки синфга - органик ва ноорганик тасхувсхиларга бўлиб ўрганисх мумкун. Ноорганик тасхувсхилар сифатида кремнезем, алюмин, титан ва босхқа элементлар оксидлари, алыумосиликатлар (лойлар), схисха, сопол, фаолласштирилган кўмир ва босхқалар кенг исхлатилади.

Органик тасхувсхилар орасида кенг тарқалганлари хар хил полисахаридлар полимерли ионалмасхув смолалари, коллаген, товук суяклари ва босхқалардир. Тасхувсхилар кукун, кисхик схарсхалар, гранулалар сифатида исхлатилади. Баъзи бир ҳолатларда, гидродинамик қарсхиликни пасайтирисх мақсадида, тор параллел каналлар сақловсхи монолитлар сифатида ҳам схикарилади.

Тасхувсхиларни энг асосий хусусияти сорбция қилиш қобилияти, тесхиксхаларини ўлсхами, механик ва кимёвий барқарорлигидир.

**Адсорбцион иммобиллизация қилиш усуллари.** Адсорбция қилиш йўли билан иммобилизация қилиш энг содда усуллардан бўлиб, фермент эритмасини "тасхувсхи" билан араласхтирисх йўли билан амалга осхирилади. Ёписхмасдан ферментни ювиб тасхлагасх, иммобилизация қилинган фермент

исхлатилисхга тайёр бўлади. Адсорбцион иммобилизация қилинган ферментларни олисх усхун қуйидаги услубий кўрсатмалардан фойдаланади.

Статистик усул энг осон йўл бўлиб "тасхувсхи" фермент эритмасига тасхланиб (солиниб) ҳосил бўлган араласхма, маълум вақтга тасхлаб қўйилади. Иммобилизация ферментни ўз ўзидан диффузияси туфайли босхланиб, адсорбция билан тугалланади. Бу усулни камсхилиги, фермент эритмаси билан "тасхувсхи" араласхмаси узоқ вақт (бир несхга кунга) тасхлаб қўйилисхи лозим. Лаборатория схароитида кўпроқ араласхтирисх усули исхлатилади. Бу усулда статистик усулдан фарқли ўлароқ фермент эритмаси билан "тасхувсхи" доимий рависхда араласхтириб турилади.

Араласхтирисх усхун магнит араласхтиргисх, механик араласхтиргисх ёки микробиологик тебратгисхдан фойдаланисх мумкин. Бу усул олдингисидан ансха устун туриб "тасхувсхи" сатхида ферментни бир текис жойланисхини белгилаб беради. Баъзида адсорбцион иммобилизация қилисх усхун электросхўктирисх усулидан фойдаланилади. Бунинг усхун фермент эритмасига иккита электрод тусхирилади, улардан биттасини сатхида бир қатлам "тасхувсхи" суртилган бўлади. Электродлар токка уланганда фермент сатхидаги фаол гуруҳлар ( $-NH_2$ ;  $-COOH$  ва х.к.) ҳисобидан "тасхувсхи" сақланаётган электрод томонидан ҳаракат қилади ва уни сатхида схўқади.

Технологияда фойдаланисх усхун энг қулай усул - колонкалардан ўтказисх усулидир. Бу усулни икки модификацияси бор, улардан биридан "тасхувсхи" тўлдирилган колонкадан тепадан пастга қараб, микронасослар ёрдамида фермент эритмаси ҳайдалади, икинсхисида эса тескариси, фермент пастдан тепага қараб йўналтиради. Бу усулни афзаллик томони, ферментни ҳайдасх, ювисх, ва кейинги ферментатив жараёнлар, ҳесх қандай манипуляциясиз бир колонкани ўзида олиб борилади.

**Фермент ва "тасхувсхи" орасидаги адсорбцион ўзаро таъсирнинг табиати.**

"Тасхувсхи" сатхида адсорбция бўлган фермент молекулалари ҳар хил қусхлар ҳисобига, хусусан носпецифик Ван-дер-Ваальс, электростатик, ўзаро

таъсирлар, водород боғлари ва гидрофоб боғлар ҳисобига амалга осҳирилади. Санаб ўтилган боғларни нисбий исҳтироки фермент молекуласидаги фаоллик гуруҳлари ёки "тасҳувсҳи"нинг кимёвий табиатиға боғлиқ бўлади. Кўпсҳилик ҳолларда асосий вазифани электростатик ўзаро таъсирлар ва водород боғлари тасҳкил этади.

Баъзи вақтларда ўзаро таъсир кусҳи оқибатида "тасҳувсҳи"нинг тузилисҳи бузилисҳигасҳа борисҳ мумкин. Масалан, баъзи ўсимлик ҳужайраларини сефодекс гранулаларига адсорбция қилинганда ҳужайра девори деформацияға усҳрагани кузатилган.

**Ферментлар адсорбциясига таъсир этувсҳи омиллар.** Адсорбция ўтисҳ жараёни ва фермент билан "тасҳувсҳи" орасидаги боғни мустаҳкамлиги, кўпсҳилик ҳолларда иммобилизация қилисҳ сҳароитига боғлиқ бўлади.

Фермент адсорбциясига таъсир этувсҳи омилларға қуйидагилар киради: тасҳувсҳини ғоваклиги ва сиртини фаоллигидир.

Тасҳувсҳини сорбция қилисҳ ҳажми унинг сиртини фаоллигига тўғри пропорционал оқсил ёки ферментға келганда бу қонуният фақатгина тасҳувсҳини ғоваклиги оқсил молекуласидан ансҳагина катта бўлгандагина ўз кусҳини саклайди. Тасҳувсҳини ғоваклиги жуда кисҳик бўлганда, ферментлар ғовакларға сифмасалар, ферментлар усҳун тасҳувсҳилар сатҳининг маълум бир қисмигина фойдали бўлади холос.

Бундай пайтларда тасҳувсҳининг сорбция қилисҳ имкониятлари жуда кам бўлади, босҳқасҳа қилиб айтганда, ғоваклар қансҳа кисҳик бўлса, тасҳувсҳининг адсорбция қилисҳ имкониятлари сҳунсҳа кам бўлади. Ғовакларни мўтадил ҳажмини ҳисобласҳни биринсҳилардан бўлиб буни 1976 йилда Р.Мессинг таклиф этган.

У сҳисҳа ва сопол материаллардан тасҳувсҳи сифатида фойдалана туриб, уларни ғовакларини катталигини (ҳажмини) ўлсҳаб сҳикди ва ғовакларни катталиги фермент бўйидан таҳминан 2 маротаба катта бўлган ҳолларда

тасхувсҳини адсорбцион имкониятлари максимум бўлишҳини тажрибалардан исботлаб берди.

Бундай ҳолда субстратни молекуляр ўлсҳами ферментдан ансҳа кисҳик бўлмоғи ва сорбция қилинган фермент ғовакларига бемалол кириб турисҳлари лозим, албатта.

Субстрат молекуласининг ҳажми ферментниқидан катта бўлган ҳолларда тасхувсҳининг ғоваклиги субстрат молекуласи билан белгиланади. Баъзи бир ҳолларда субстратни ўзи тасхувсҳи вазифасини бажарисҳи ҳам мумкин. Масалан, целлюлаза ферментини иммобилизация қилисҳ усҳун унинг субстрати бўлган целлюлозадан кенг фойдаланилади.

Реакция муҳити иммобилизация қилисҳ жараёнида жуда катта аҳамиятга эга, айниқса сорбция, электростатик ўзаро таъсир ёрдамида амалга осҳирилган ҳолатларда.

Бунга асосий сабаб пХ ўзгарисҳи билан оксил ёки тасхувсҳининг сорбция усҳун жавобгар бўлган ионоген гуруҳларни ионизацияси ўзгаради. Ион алмасҳув хоссаларига эга бўлмаган тасхувсҳилардан фойдаланганда, сорбция оксил ёки ферментни изоелектрик нуқтасида амалга осҳирилса яхсҳи натижа беради.

Аммо бу қонуниятни сҳетлаб ўтисҳ ҳоллари ҳам усҳраб туради. Масалан, альбуминни латексга сорбция бўлисҳини хар хил пХ да ўрганиб сҳиқилганда бу жараённи пХ га алоқадорлиги W симон бўлганлиги, кўмирда адсорбция қилинганда эса мўтадил пХ 3 дан 6 гасҳа ўзгарисҳи, бу ўзгарисҳ кўмирни табиатига боғлиқлиги исботланган.

**Ион кусҳи.** Фермент билан тасхувсҳи орасидаги боғланисҳни кусҳига таъсир кўрсатувсҳи омилдир. Тузларни юқори миқдорда тасхувсҳи сиртидан электростатик йўл билан боғланган ферментни сиқиб сҳиқаради.

Босҳқасҳа қилиб айтганда, ион кусҳини осҳисҳи билан ферментни десорбцияси осҳиб боради. Баъзи ҳолларда бунга аксинсҳа таъсир ҳам усҳраб туради, буни оксилни "тузланисҳи" деб аталади.

**Ферментнинг миқдори.** Эритмада ферментни миқдори осхиб борган сари, уни сорбция бўлиши ва иммобилизация бўлган ферментни каталитик фаоллиги осхиб боради.

Иммобилизация бўлган фермент фаоллигини, эритмадаги фермент миқдorigа нисбатан таққослаб ўрганганда шу нарса маълум бўлдики, ферментни эритмадаги миқдорини осхиб борishi билан маълум нуктагасха ферментни каталитик фаоллиги осхиб боради ва ундан кейин ўзгармасдан қолади ва ҳатто камайishi ҳам мумкин.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ферментни фаоллиги тасхувси сатхини бутунлай қолаб олгунга қадар фаоллик осхиб боради, кейин эса фермент 2-си, 3-си қават ҳосил қилади ва х.к. Охирида, тасхувсининг энг тепа қисмида ёписхган ферментлар фаоллик кўрсатади, тагида қолганлари эса субстрат билан алоқа қилаолмайдилар ва ўз-ўзидан "исхсиз" қоладилар. Схунинг усхун ҳам иммобилизация бўлган ферментни фаоллиги камаяди.

**Ҳарорат.** Ҳароратни осхисхи адсорбция жараёнига икки хил таъсир қилади. Биринсхидан, ҳароратни осхисхи ферментни инактивациясига (денатурация) олиб келади, иккинсхи томондан эса ҳароратни осхисхи ферментни тасхувси ғовакларига диффузиясини кусхайтиришх ҳисобидан, фермент фаоллигини осхисхига олиб келади.

Демак, адсорбция йўли билан иммобилизация қилишни мўтадил сҳароити бўлишх керак. Бундай ҳарорат адсорбция қилинадиган ферментни табиати ва тасхувси сатхига боғлиқ бўлиб, ҳар бир фермент ёки тасхувси усхун қатор тажрибалар орқали топилади.

Схундай қилиб, ферментларни адсорбция йўли билан иммобилизация қилишх бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, фақат тажрибалар асосида аниқ топилади. қуйида фермент билан тасхувси орасидаги боғни кусхайтиришхга хизмат қилувси омиллар ҳақида фикр юритамиз.

**Олдиндан модификация қилинган тасхувсхиларга иммобилизация қилишх.**

Тасхувсхининг олдиндан модификация қилиш адсорбция қусқини кескин осхирисҳга олиб келади. Бундан тасҳқари, фермент молекуласи атрофида махсус сҳароитлар ясаш ҳисобидан, олдиндан модификация қилинган тасхувсҳида иммобилизация қилинган ферментни каталитик хусусияти ҳам ортиб боради.

Бунинг устига, олдиндан модификация қилмаслик адсорбция қилинган ферментни фаоллигини бутунлай йўқолисҳигасҳа олиб келисҳ мумкин. Масалан, агар ферментни мўтадиллиги нордон сҳароитда паст бўлса, силикагельга сорбция қилинган ферментни фаоллиги бутунлай йўқолади, сҳунки, силикагелни сатҳи нордон муҳитга эга ( $pH \approx 4,0$ ).

Бундай сҳароитда, иммобилизациядан олдин силикагельни маълум  $pH$  га эга бўлган буферда ферментни мўтадил  $pH$  га тўғри келган  $pH$  да сақлаб турисҳ лозим бўлади.

Худди сҳундай муаммо, фаол марказида металл сақлайдиган ферментлар билан исҳлаганда келиб сҳикади. Бунга сабаб, баъзи бир тасхувсҳилар ўзларига металл ионларини тортиб олисҳ қобилиятига эгалар. Бундай тасхувсҳиларда адсорбция қилинган ферментлар, ўз фаол марказидаги метални сҳикиб кетисҳи ҳисобидан фаолиятларини йўқотисҳлари мумкин. Бу ҳолни бартараф этисҳ усҳун, тасхувсҳини махсус металл ионлари сақлаган эритмаларда узоқ вақт усҳлаб турисҳ ва сҳу туфайли уни металл ионига нисбатан бўлган эҳтиёжини қондирисҳ мумкин бўлади.

Тасхувсҳиларни металл ионлари билан тўйинтирисҳ адсорбция йўли билан иммобилизация қилисҳни мўтадилласҳтирисҳда ҳам исҳлатилади. Тасхувсҳи сирти металл ионлари билан тўйинтирилганда (бунинг усҳун  $Ti$ ,  $Sn$ ,  $Zr$ ,  $V$  ва  $Fe$  исҳлатилади), ферментни сорбция қилисҳ хусусияти ортади, бунга сабаб металл иони фермент билан тасхувсҳи орасида кўприк бўлиб хизмат қилисҳидир. Иммобилизациянинг бу усули, целлюлоза, нейлон сҳисҳа филтър қоғоз каби тасхувсҳилардан фойдаланганда яхсҳи натижалар берисҳи исботланган.

**Олдиндан модификация қилинган ферментларни иммобилизация қилиш.** Ионалмасхувсхи тасхувсхиларга адсорбция йўли билан иммобилизация қилишда изоелектрик нуқтаси ва  $pH$  –мўтадиллиги бир-бирига яқин бўлган ферментлар билан исҳланганда қатор муаммолар пайдо бўлади. Фермент билан тасхувсхи орасидаги мустаҳкам боғланиш фақатгина, изоелектрик нуқтадан узоқроқ бўлган  $pH$  да, яъни ферментни каталитик хусусияти паст бўлган сҳароитда амалга осҳирилади.

Сҳунинг усҳун, ҳам ферментни олдиндан модификация қилиш, яъни фермент молекуласига янги ионоген гуруҳлар (поликислоталар, карбоксиметил, целлюлоза, янтарь кислотаси ва х.к.) киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Л-химотрипсин хлортриазинли ранг билан араласҳтирилганда, уни изоелектрик нуқтаси исҳқорий томонга силжисҳи, ва сҳу туфайли фермент кўпгина тасхувсхиларга адсорбция бўлисҳи, оқибат натижада эса каталитик фаоллиги сақланиб қолисҳи исботланган. Босҳқа бир мисол, Л-химотрипсинни КМ-целлюлоза билан модификация қилинганда, фермент нейтрал  $pH$  муҳитида ДЭАЭ-целлюлозада ёки ДЭАЭ-сефадексга фаоллиги сақланган ҳолда иммобилизация бўлади.

**Фермент тасхувсхи боғини мустаҳкамлигига таъсир этувсхи босҳқа омиллар.** Иммобилизация бўлган ферментни тасхувсхи сатҳидан осон ювилиб кетмаслиги усҳун адсорбция қилинган фермент қатлами бифункционал агентлар билан исҳлов берилади. Натижада, тасхувсхи сатҳида ферментларни бир-бирларига боғланган ҳолатидан иборат юпқа пленка ҳосил бўлади. Бифункционал агент сифатида глутаралдегид, госсипол ва босҳқаларни исҳлатиш мумкин.

Иммобилизация қилишни оригинал йўли профессор К.Мартинек томонидан намойисҳ этилган. Бунинг усҳун қисман кимёвий деструкцияга усҳраган нейлон ипларидан фойдаланилади. Тасхувсхи, фермент эритмасига солинади ва механик тортилади, натижада нейлонни ғовақлари йирикласҳиб, унга ферментнинг жойласҳисҳи осонласҳади.

Маълум вақтдан кейин тортиб турган кусх олинади ва нейлон яна ўз холатига келади, фермент эса ғовакларда сиқилиб қолади. Электр токи ёрдамида усхласх усули, иммобилизациянинг янги усуллари билан бўлиб, мембраналар ёрдамида ажратилган электродлар билан коллекторларда электр майдони ҳосил қилинади. Коллектор қилиб силикагел, ион алмасхув смолалари, минераллар исхлатилисхи мумкин.

Фермент коллекторларда электростатик ва дипол-диполлик ўзаро таъсир кусхлари орқали усхланиб қолади. Бу усулни ёмон томони схундан иборатки, иммобилизация тизими ҳамисха электр токи таъсирида бўлисхи схарт. Ток узилса ёки ўсхса фермент тасхувсхидан ювилиб кетади.

**Гел исхига киритисх йўли билан иммобилизация қилисх.** Бу усулни мохияти схундан иборатки, фермент молекуласи, қаттиқ тўқилган полимер занжирларидан иборат бўлган гел ҳосил қилувсхи усхламсхи элактарга ўрнатилади. Занжир боғлари орасидаги масофа фермент молекуласидан қисхик бўлгани усхун, у махкам сиқилиб туради ва полимердан схиқиб кета олмайди. Фермент билан тасхувсхи орасидаги боғни мустахкамлигини осхирувсхи омил ролини фермент ва тасхувсхи гел орасида пайдо бўлган водород боғлари ҳам ўйнасхи мумкин.

Полимер занжирлари орасидаги бўсхлик сув билан тўлдирилган бўлади. Масалан, акрил кислотаси ҳосилалари асосида пайдо бўлган гелда, унинг миқдорига қараб, 50 дан 90% гасха сув бўлисхи мумкин.

Ферментларни гелда иммобилизация қилисхнинг икки усули бор. Биринсхиси, фермент мономер эритмасида эритилади сўнгра полимеризация қилинади. Бундай эритмага кўпсхилик ҳолларда бифункционал агентлар ҳам кўсхилади.

Иккинсхиси, П.Бертфелд ва Дж.Уенлар исхлатган Н-Нь метилен-бисакриламидни полимеризация қилисх асосида олинадиган иммобилизацияланган ферментлар.

Гелга киритисх йўли билан иммобилизация қилисх усули ўзининг соддалиги билан ажралиб туради. Бу усул билан ферментни хохлаган

геометрик конформацияда (сферик заррасхалар ва х.к.) олисх ва ферментни тасхувсхи исхида бир текис тарқалисхига эрисхисх мумкин.

Кўпсхилик полимер геллар ўзларининг механик ва кимёвий иссиққа схидамлилиги билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар эса ферментларни бир несха маротабалаб исхлатисх имконини беради. Бу усул универсал усул бўлиб нафақат барсха хилдаги ферментлар, балки полифермент тизимлар, хужайра ва хужайра фрагментларини иммобилизация қилисх усхун ҳам тўғри келади. Бу усулни ижобий томонларидан яна бири - уни ферментга мўтадиллик берисх имкониятидир. Ва ниҳоят бу усулда иммобилизация қилинган фермент, бактериологик зарарланисхдан кўркмайди схунки, фермент молекуласидан катта бўлган бактериялар гелни исхига кира олмайдилар.

Усулнинг энг катта камсхилиги баъзи бир ҳолатда полимер матрикслари субстратни диффузиясиги халақит беради ва сху туфайли ферментни фаоллиги паст бўлисхи мумкин. Схундай экан, субстрат сифатида юқори молекулали моддалар исхлатилганда бу усулдан бутунлай фойдаланисх мумкин эмас.

**Ярим ўтказгисх мембраналар ёрдамида иммобилизация қилисх.** Бу усул кисхик молекулали субстратни сувдаги эритмаси, катта молекулага эга бўлган фермент эритмасидан ярим ўтказгисх мембрана ёрдамида ажралиб турисхига асосланган. Ярим ўтказгисх мембрана субстратни осон ўтказди, фермент эса мембранадан ўта олмайди. Бу усулни ҳар хил модификацияси, ярим ўтказгисх мембраналарни олисх ва уларни табиати асосида яратилгандир.

Микрокапсулаласх - усули биринсхи бўлиб, 1964 йилда Т.СҲанг томонидан яратилган. Бу усул - ферментни сувдаги эритмасини микрокапсулалар исхига жойласхтирисхдан иборат. Майда тесхикли полимер плёнкалардан тасхкил топган кисхик коптоксхалар исхидаги ферментларни тасхқарига схиқисхи белгилаб қўйилган. Капсулаларни олисх усулига қараб, уларни ўлсхами ҳал хил бўлади (10 дан 100 микрометргасха).

Микрокапсулалар олисхнинг икки усули мавжуд бўлиб, биринсҳисида ферментни сувдаги эритмаси ПАВ (сирт фаол моддалар) сақловсҳи диетилефири билан кусҳли араласҳтирисҳ натижасида дисперс ҳолатга ўтказилади. ПАВ - бу ерда эмулгатор вазифасини бажаради. Ҳосил бўлган эмульсияга, тўхтатмасдан полимернинг эфирдаги эритмаси кўсҳиб борилади.

Полимер (нитрат целлюлоза), сувда эримаслиги сабабли эмульсияга теккан жойда юққа мембрана микрокапсула ҳосил қилади. Тайёр бўлган микрокапсула центрифуга ёрдамида ёки филтрласҳ йўли билан ажратиб олинади.

Микрокапсула ҳосил қилисҳнинг иккинсҳи йўли - икки модданинг фазалараро поликонденсация қилисҳига асосланган. Моддалардан бири сувнинг майда эмульсияларида иккинсҳиси эса органик фазада эриган бўлади. Кўп тарқалганлардан бири полиамид микрокапсуласи.

Бу микрокапсула 1,6-гексаметилендиамин (сув фазаси) ва себацин кислотасининг хлор гидриди (органик фаза) асосида олинади. Бу усул фақатгина юқори pH га сҳидамли бўлган (диамин эритмаси) ферментлар усҳун исҳлатилисҳи мумкин. Микрокапсула ҳосил қилисҳ усҳун исҳлатиладиган фермент эритмаси 10% атрофида инерт оксил моддаси (гемоглобин) сақласҳи лозим. Бу оксил капсула исҳида керакли босим бўлисҳини ҳамда ферментни мўтадиллигини таъминлайди. Ферментни мўтадиллигини осҳирисҳи усҳун глутаралдегид билан исҳлов беради, баъзида эса адсорбция ёки гелга киритисҳ йўли билан иммобилизация қилинади.

Баъзи ҳолатларда иммобилизация қилисҳ усҳун молекулалари ковалент боғланган оксиллардан тасҳкил топган мембраналардан ҳам фойдаланилади.

**Иккиламсҳи иммобилласҳ.** Бу йўл билан иммобилизация қилганда, аввало ферментни сувдаги эритмасини органик полимердаги эмульсияси тайёрланади. Тайёр эмульсияни яна бир бор сувда дисперсия қилинади. Натижада, ферментни сувдаги эритмасини сақлаган органик моддани

(полимерни) эмульсияси ҳосил бўлади. Вақт ўтисҳи билан органик эритма котади, ва иммобилласҳган фермент сақловсҳи полимер заррасҳалари ҳосил бўлади.

1972 йилда С.Мей ва Н.Ли лар бу усулни модификация қилдилар ва мембрана ҳосил қилувсҳи материалар сифатида сувда эримайдиган полимер ўрнига катта молекуляр массага эга бўлган суюқ углеводородлардан фойдаланисҳни тавсия қилдилар. Бу усул суюқ мембраналарда иммобилизация қилисҳ деб аталди. Бундан тасҳқари толага киритисҳ, липосомага киритисҳ, микроемулсия ҳосил қилисҳ каби бир қатор усуллар мавжуд.

**Ферментларни иммобилизация қилисҳиниг кимёвий усуллари.** Кимёвий усулларни босҳқа усуллардан асосий фарқи кимёвий таъсир натижасида фермент билан тасҳувсҳи орасида кўсҳимсҳа ковалент боғи пайдо бўлади. Бу усулда иммобилизация қилинган ферментларни камида иккита устунлиги бор. Биринсҳидан, фермент ва тасҳувсҳи орасидаги ковалент боғ, ҳосил бўлган конъюгатни юқори мустаҳкам қилади. Босҳқасҳа қилиб айтганда фермент исҳтирокида ўтадиган реакцияларни рН, ҳарорати ва босҳқа кўрсатқисҳларини ўзгартирисҳ, ферментни десорбциясига, сҳу туфайли олинадиган маҳсулотни ифлосланисҳига олиб келмайди.

Бу эса айниқса медицина, озик-овқат маҳсулотлари, аналитик исҳлар усҳун реактивлар олисҳда ўта муҳим аҳамият касб этади. Иккинсҳидан, кимёвий модификация ферментни фаоллигини ва мўтадиллигини осҳирисҳига олиб келади. Фақатгина кимёвий йўл билан, кўп нуқталиқ боғланисҳлар натижасида ферментни мўтадиллигини осҳирисҳ мумкин. Бу усулни камсҳилиги, баъзи-бир ферментлар кимёвий модификация жараёнида ўз фаоллигини йўқотиб қўядилар.

### **1.3. ГИДРОЛИТИК ФЭРМЕНТЛАРНИ ИММОБИЛЛАСҲДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СОРБЭНТЛАР ҲОССАЛАРИ**

